O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
6 IYUN
PAYSHANBA
№ 71 (26.930)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ САММИТИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 6-7 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Санкт-Петербург шаҳрида бўладиган навбатдаги саммитида иштирок этади.

ЎЗБЕКИСТОН-НАТО: ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

13-14 июнь кунлари пойтахтимизда НАТО Илмий қўмитасининг кўчма йиғилиши ва Марказий Осиё минтақавий илмий-техникавий муаммоларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтади. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган Илмий-техникавий тараққиёт бўйича мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази ҳамда НАТОнинг Илмий қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. Унда НАТОга аъзо ва унга ҳамкор мамлакатлардан олтмишдан зиёд вакил иштирок этиши кутиляпти.

НАТО Илмий қўмитаси билан Ўзбекистон ўртасидаги илмий-техникавий ҳамкорлик етти йил аввал ўрнатилган эди. Шу давр ичида турли мавзудаги семинарлар ўтказилди, кимё, физика, тиббиёт, биология соҳалари бўйича қатор илмий лойиҳалар амалга оширилди. Ўзбекистон олимлари НАТО Илмий қўмитаси томонидан ўтказиладиган илмий анжуманларда мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Кўчма йиғилиш ва халқаро семинарни ўтказишдан кўзланаётган мақсад Марказий Осиё минтақасидаги энергетика, экология, ичимлик суви ва сейсмология муаммоларини муҳокама қилишдир.

НАТО Илмий қўмитасининг навбатдаги кўчма йиғилиши Ўзбекистонда ўтказилиши бежиз эмас. Халқаро ташкилот вакиллари юртимизда фан ва техника соҳаларида ўтказилаётган ислоҳотлар ижобий натижа бераётганини эътироф этмоқда.

Тадбир доирасида меҳмонлар Фанлар академиясининг институтлари ва илмий лабораторияларини кўздан кечиради.

Семинарда НАТО Бош котибининг фан ва атроф муҳит масалалари бўйича ўринбосари Жан Фурнэнинг иштирок этиши режалаштирилган.

■ **Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,**
ЎзА мухбири

«ИСЛОМ ВА ДУНЁВИЙ-МАЪРИФИЙ ДАВЛАТ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Муҳтарам меҳмонлар!
Қадрли дўстлар!

Сизларни кўҳна цивилизация бешикларидан бири бўлган, асрлар давомида турли миллат ва дин вакиллари ўзаро тинч ва ҳамжиҳат яшаб келаётган гўзал ва бетакрор Ўзбекистон диёрида, қадимий Самарқанд тупроғида муборакбод этишдан бениҳоя мамнунман.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, жаҳоннинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган исломшунос олимлар иштирокида ўтаётган бу анжуманнинг муқаддас мусулмон дини ва дунёвий-маърифий давлатчилик муносабатларига бағишлангани катта аҳамиятга эга.

Ер юзида ҳаётни асраб қолиш, инсоннинг тинч, эркин ва фаровон яшашига эришиш йўлида турли дин, миллат ва элат вакиллари, маданиятлар ва цивилизациялар ўзаро мулоқотга киришаётган ҳозирги даврда дин ва дунёвий давлатчилик муносабатларини тўғри йўлга қўйиш жаҳон халқлари ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтиришнинг муҳим шарти бўлиб қолмоқда.

Чунки, бугунги кунда миллион-миллион одамларнинг руҳиятига бевосита таъсир ўтказадиган диннинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини тўғри англамаслик, диний қадриятларни тараққиёт ва дунёвийлик каби тушунчаларга қарама-қарши қўйиш қандай фожиали оқибатларга олиб келишига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Айниқса, муқаддас ислом динини ғаразли мақсадларда сиёсийлаштириб, ундан ҳокимият учун кураш, мафкуравий қурол сифатида фойдаланиш сингари салбий ҳолатларнинг кучайиб бораётгани ушбу анжуман кун тартибига киритилган масалаларнинг нақадар жиддий ва долзарб эканидан, бугун замон олдимизга қўяётган бундай оғир ва таҳликали муаммоларнинг ечимини топиш ҳаётий заруратга айланаётганидан далолат беради.

Шу маънода, давлатчилик ва дин муносабатлари борасида бой тарих ва тажрибага эга бўлган, ҳозирги янгича шароитда ана шу тажрибани миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида ривожлантириб келаётган Ўзбекистон заминида ўтаётган ушбу халқаро анжуман ислом динининг асл моҳиятини, унинг эзгулик ва инсонпарварлик ғояларини янада теранроқ очиб беришда муҳим бир қадам бўлади, деб ўйлайман.

Сизларни яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳатсаломатлик, илмий ишларингизга ривож, анжуман ишига муваффақият тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва мулкчиликнинг хусусий шаклига асосланган кичик ва ўрта корхоналар ташкил этишни рағбатлантириш, юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат юридик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турларининг илова қилинаётган рўйхати тасдиқлансин.

Белгилансинки, илова қилинаётган рўйхатга кирмаган ва амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган тадбиркорлик фаолиятининг қолган барча турлари билан жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмасдан белгиланган тартибда шуғулланишлари мумкин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари ҳокимият ва бошқарув маҳаллий органлари томонидан «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига қатъий риоя қилиниши ҳамда назорат қилувчи ва бошқа давлат органларининг тадбиркорларнинг хўжалик фаолиятига аралашишига йўл қўйилмаслиги, хусусий тадбиркорликнинг кенг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиши учун жавоб берадилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 4 июнь

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 июндаги қарорига илова

Тадбиркорлик субъектлари — фақат юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари

РЎЙХАТИ

Т/р	Фаолият турининг номи
1	Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни ёхуд бундай материаллар қўлланилган буюмларни сотиб олиш ва сотиш
2	Муҳр ва штамплар тайёрлаш
3	Меҳмонхоналар, отеллар ва кемпинглар ташкил этиш
4	Юридик шахсларга капитал қурилиш, қурилиш-монтаж ишлари бўйича хизматлар кўрсатиш
5	Лойиҳа, лойиҳа-конструкторлик фаолияти ҳамда лойиҳалар ва сметаларни экспертизадан ўтказиш
6	Нефть маҳсулотларининг барча турларини сотиш

ДИЛМУРОД АҚШДА ЎҚИЙДИ

Асакадаги 24-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 10-синф ўқувчиси Дилмурод Усмонов таҳсилни эндиликда АҚШда давом эттиради. Инглиз тили ва аниқ фанлар бўйича Американинг АКСЕЛС ташкилоти мутахассислари томонидан ўтказилган танловда у барча тестларни аъло даражада топширди.

— Шогирдимизнинг муваффақиятларидан ниҳоятда қувондик, — деди мазкур мактаб ўқитувчиси Марҳабохон Содиқова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Шуни айтиш керакки, мактабимизда турли олимпиада ва танловларда ғолиб чиққан ёшлар анчагина. Дилмурод шулардан бири ҳисобланади. Болаларимиз ниҳоятда билимга чанқоқ. Улар истеъдод ва қобилиятларининг тўла-тўкис очилишида республика ҳукумати, қолаверса, жамоатчилик ташкилотлари томонидан яратилаётган шарт-шароитлар қўл келаётир.

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АНЖУМАН

Самарқандда Имом Бухорий ва Германиянинг Фридрих Эберт халқаро жамғармалари ҳамда Тошкент Ислом университети томонидан ташкил этилган «Ислом ва дунёвий-маърифий давлат» мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжуман ўз ишини бошлади. Унда Германия, Франция, Буюк Британия, Россия, Туркия, Миср, Эрон каби давлатлардан келган таниқли олим ва дин арбоблари иштирок этмоқда.

Анжуман иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг табриги ўқиб эшиттирилди.

Анжуманнинг асосий мақсади — демократик фуқаролик жамиятида дин, хусусан, ислом динининг ўрни ва аҳамияти ҳамда бу борада Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш ва тарғиб қилишдан иборатдир.

Дунёда юзага келган бугунги вазиятда сайёрамиз хавфсизлиги ва инсоният тараққиёти истиқболларини таъминлашда дин ва давлат ўртасидаги муносабатлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда дунёвийлик билан динийлик ҳамжиҳатлиги натижасида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликнинг таъминлангани, қолаверса, табаррук заминимизнинг азалдан умумжаҳон цивилизацияси марказларидан бўлгани мазкур анжуман бизнинг заминда ўтказилишининг асосий сабабларидан биридир.

Анжуманнинг биринчи куни Ғарб ва Шарқда ҳокимиятнинг дунёвий ва диний тармоқларга ажралиши, дунёвий давлатлар пайдо бўлиши мунозара этилди. Ҳозирги исломда дунёвийлик билан динийлик ўртасидаги нисбат, дин-ҳуқуқ ва давлат мавзуида фикр алмашилди.

Шунингдек, диний манбаларнинг таржимаси ва тафсирларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги айтилди. Чунки уларни бузиб талқин этиш динлараро тотувлик ва бағрикенгликка путур етказиши мумкинлиги таъкидланди.

Анжуман доирасида «Ўзбекистон ислом обидалари» ва «Ислом зиёси ўзбегим сиймосида» китоблари тақдимоти ҳам ўтказилди.

■ **(ЎзА)**



СОҒЛОМ АВЛОД — БУЮК ДАВЛАТ ЗАМИНИ

Матбуотда илгари хабар берилганидек, Тошкентда республика Перинатал маркази иш бошлади. Ўрта Осиёда ягона бўлган бу шифо маскани ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврда содир бўладиган перинатал асоратлар, туғма нуқсон ва бошқа паталогияга эга бўлган чақалоқларга махсус жарроҳлик ва терапевтик ёрдам кўрсатади.

Марказда Финляндиянинг «Медко-Медикал» фирмасининг 3,2 миллион АҚШ доллари қийматидаги энг замонавий даволаш — ташҳис қўйиш асбоб-ускуналари ўрнатилган. Шунингдек, ушбу марказнинг қурилишига ҳукумат томонидан 1 миллиард 197,0 миллион сўм сарфланди. Она ва бола саломатлигини яхшилаш мақсадида барпо этилган ушбу марказ 120 та беморга мўлжалланган. Бу ерда 8 та бўлим фаолият кўрсатади. Уларда она ва болада учрайдиган касалликлар жарроҳлик ва терапевтик йўллар билан даволанади.

Республика Скрининг марказида диагноз қўйилган беморлар перинатал марказида даволаниб шу ерда оналик бахтига муяссар бўладилар. Мабодо, туғилган гўдакда бирор-бир нуқсон бўлса, шу ернинг ўзида унга ҳар қандай тиббий муолажа кўрсатиш мумкин. Беморлар бу ердан бошқа жойга кўчирилмайди.

Марказда 350 та ходим иш юритади. Шулардан 81 таси врач неонатолог, акушер-гинеколог, анестезиолог-реаниматолог ва болалар жарроҳларидир. Бу шифо маскани йил давомида 2200 ҳомиладор аёлларга ва гўдакларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Марказ директори республикада хизмат кўрсатган врач Аделина Любчич таъкидлашича, бу жойга бутун республикамиздан беморлар келиб даволанишлари мумкин. Мақсад — оналар ва болаларда учрайдиган турли касалликлардан уларни муҳофаза қилиш, дардига дармон бўлишдир.

— Бизнинг марказимиз республика Скрининг маркази ва унинг вилоятлардаги 8 та бўлимлари ҳамда Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти ва унинг бўлимлари билан ҳамкорликда иш олиб боради, — дейди марказ директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Ҳилола Алимова.

Нафақат тиббиётда, балки бутун мамлакат ҳаётида муҳим воқеа бўлган перинатал маркази «Соғлом авлод» давлат дастури асосида ташкил этилди. Ушбу марказ республикамиз ҳукуматининг оналар ва болаларга ғамхўрлигининг яна бир ёрқин далилидир.

■ **Фаррух ҲАМРОЕВ**

✧✧✧

Суратларда: *марказ фаолиятидан лавҳалар.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси ва Давлат санитария-эпидемиология назорати диққатига!

Республикамиз пойтахти кун сайин чирой очиб, кўркамлашиб, ёшариб бормоқда. Бир-биридан чиройли бинолар, текис-равон кўчалар, кўприклар, истироҳат боғлари... Бугун Тошкент нафақат Ўрта Осиёда, балки жаҳондаги энг гўзал шаҳарлардан бирига айланди. Тўрт-беш йил илгари Тошкентдан кетган одам бугун ташриф буюрса, уни таний олмайди.

Ана шундай улкан бунёдкорлик ишлари панасида қолиб кетаётган баъзи муаммо ва камчиликлар ҳам борки, улар одамларнинг ғашини келтирмоқда, нороҳатликларига сабаб бўлмоқда. Яқинда, таҳририятимизга пойтахтнинг икки маҳалласидан фуқаролар шикоят билан келишди. Уларни қийнаётган муаммолар анчадан буён ҳал бўлмай келаётганини эътиборга олиб, шикоят хатини жойида ўрганишига қарор қилдик.

1. ОЛТИ ЙИЛДА ҚУРИЛМАГАН ДРЕНАЖ

Юнусобод туманидаги «Обод» маҳалласининг Ўртасарой кўчасида яшовчи фуқароларнинг ёзишича, «...Уйларнинг ертўлаларида 6-7 йилдан бери қишин-ёзин сув тўпланиб қоладиган бўлган. Деворлар зах босиб, поллар чириб кетаяпти. Уй ичи ва ташқарисини ҳар йили таъмирлаймиз, яна дарров ўпирилиб тушади. Чивин-пашша кўп. Кексалар, айниқса ёш болалар қийналишаяпти...»

Аҳолининг ариза қилиб бормаган жойи, кирмаган эшиги қолмабди. «Ёз-ёз, югур-югурдан сўнг, — дейилади хатда, — 1996 йил 1 мартда шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов томонидан горизонтал дренаж ўтказиш тўғрисида 59-сонли қарор чиқарилди. Ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Бироз вақт ўтди, бўлавермади. Яна мурожаат қилдик. Вакиллар келиб кўчанинг у-бу жойини ўлчаб, ҳисоб-китоб қилиб кетди. Мана, 2002 йилнинг ёзи бошландики, дренаждан дарак йўқ. Аҳволимиз эса йилма-йил ёмонлашиб бораяпти. Ишонмасангиз, келиб кўринглар...»

Ўртасарой кўчасидаги 16-уй ҳовлисига кирдик.

— Кўчамиз 250-300 метр наридаги Бўзсув каналидан пастроқда жойлашган, — дейди уй эгаси Б.Ҳакимов. — Каналдаги ер ости сизот сувлари тўғридан-тўғри сизиб келади. Йил ўн икки ой ертўламизда 50-60 см. сув бор. Кўриб турибсиз, деворларни зах босган, цемент сувоқ, лой сувоқлар кўчиб тушаяпти. Полга қаранг, моғорлаган. Ҳар йили уй ичи ва ташқарисини таъмирлаб чиқамиз. Меҳнатимиз ва маблағимиз зое кетиб, дарров кўчиб тушади. Чивин ёзда ҳозиргидан ўн баробар кўпаяди. Ўзимиз бир амаллаб чидаб келаяпмиз. Аммо болаларга қийин бўлаяпти.

Аҳвол ростдан ташвишланарли эди. Полга тўшалган гиламлар нам тортиб қолган. Ертўлада ярим метр сув бор. Кун исиши билан турли ҳашаротлар кўпайгандан кўпаяди.

(Давоми 2-бетда)

ОЛТИ ЙИЛДА ҚУРИЛМАГАН ДРЕНАЖ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўнга яқин хонадонда бўлдик. Аҳвол бир хил. Қайси бир уйга кирманг, димоғингизга моғор ҳиди урилади. Бу ерда кексалар бор. Ёш болалар кўп. Бундай зах жой уларнинг соғлигига таъ-



сир қилмайдими? Нам деворлар орасида яшаш саломатлик учун ўта хавфли эмасми?

Айниқса, бу йилги баҳорнинг серёғин келиши бу маҳалладагиларнинг ташвишини янада ошириб юборди. «Ертўладан ҳовлимизга сув тошиб чиқди. Челак-пақирларда сувни кўчадаги ариққа ташийвериб тинкамиз қуриди», — дейди 17-уйда яшовчи Аъло Камолхўжаев.

— Мен эса йўлини топдим, — деди 28-хонадон эгаси Любовь Дудкина. Сўнгра бизга ўз «ихтиро»сини кўрсатди. Ертўладан ташқаридаги ариққа чиқарилган шлангда жилдираб сув оқаяпти. Мурожаатлари оқибатсиз қолавергач, 70 ёшлардаги кампирнинг ноиложликдан яратган «кашфиёт»и эди бу.

Масаланинг ечимини излаб, Юнусобод туман ҳокимиятига бордик. Тумандаги раҳбарлар буни фақат шаҳар ҳал қилишини, шахсан собиқ туман ҳокими ушбу муаммо бўйича шаҳардаги раҳбарларга бир неча марта мурожаат қилганини, лекин негадир ўзгариш бўлмай қолганини айтишди.

Шаҳар ҳокими бундан олти йил илгари бу муаммони ҳал этиш учун дренаж ўтказиш бўйича берган кўрсатмаси ҳамон бажарилмай қолмоқда... Сабаби бизга қоронғи. Эҳтимол маблағ, эҳтимол дренажнинг ўзи муаммодир. Лекин нима бўлганда ҳам одамларни бундай аҳволда қолдириб бўлмайди.



Суратларда: 1. Яқинда таъмирланган уйнинг ички кўриниши. 2. Ертўладаги сув.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

2. БИР ЁЛҒОН ҲИСОБОТ ОҚИБАТИ

Иккинчи шикоят хати шундай бошланади:

«Биз яшайдиган кўп қаватли уйнинг қурилганига 17 йил бўлди. Лекин бир неча йиллардан бери ертўлада сув бор. Шу сабабли бизнинг уй чивину пашшанинг уяси, 9-қаватдагилар ҳам чивиндан «дод» дейди. Бунинг устига ахлат ўз вақтида олиб кетилмайди. Натижада, каламушлар ҳам кўпайиб бораяпти... ЖЭК ва туман ҳокимиятига ҳамда шаҳар коммунал бошқармасига бир неча бор шикоят билан мурожаат қилганмиз. Аммо муаммо ҳал этилмаяпти. Аксинча, Шайхонтоҳур туман коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Сайрам Анорбоев Тошкент шаҳар ҳокимияти ва шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасига ўтган йилнинг октябрь ойида ҳамма ишлар қилинди, деб ёлғон ахборот бериб юборди. Бу билан у киши кимни лақиллатмоқчи? Бизга хўжакўрсин учун қилинмаган ёлғон гаплар эмас, эътибор, ғамхўрлик керак».

Шикоят йўлланган манзилни топдик. Пойтахтнинг қоқ бели. Бақирсангиз, овозингизни Чорсудагилар эшитади. 300 метр юрсангиз «Халқлар дўстлиги».

Марказда бундай ҳолат бўлиши мумкин эмасов, деган фикр хаёлимиздан ўтди. 9 қаватли уй ёнига борганда эса... Ғужғон ўйнаган ҳашаротлардан тўғриси, одам сесканиб кетади. Ертўланинг остонасидан мўралай олдик, холос. Ичкари сув, қадам босиб бўлмасди. Қувур тешикларидан ертўлага шариллаб сув тушаяпти. Эссиз сув, бир кунда қанча исроф бўлаяпди экан, бир ойда-чи?

— Менинг уйим 2-қаватда. Лекин ертўладаги балчиқ ҳиди бизнинг хонадонгача боради, — дейди 31-хонадонда яшовчи Фотиҳа ая Икромова. — Подъезддаги ахлатхонани каламуш босиб кетган. Ҳатто юқори қаватларга ҳам чиқиб кетаяпти. Бу нима деган нарса ахир?

Мундоқ ўйлаб қаралса, оддий муаммо — қувурлар чириб, кўп қаватли уй ертўласига сув оқиб ётибди. Нам, ботқоқ ҳидидан пашша, чивин кўпайиб кетган. Бунинг устига ахлатхона вақтида тозаланмас экан. Аслида, бу бажарилиши қийин нарса эмас: қувурлар алмаштирилса, ахлатлар ўз вақтида олиб кетилса, тамом вассалом. Лекин шу ишларга ким масъул? Агар ҳозирги раҳбарлар ўз ишини удда қилолмаётган бўлса, чорасини кўриш керакдир. Бир-икки ноқобил раҳбар касрига одамлар нега жабр тортиши керак.

— Мана, боламнинг юзини кўринг, — деб 3-хонадондаги Рафиқа Дадабоева 5 ёшлардаги боласини кўрсатди. Болакайнинг юзлари чивин чақаверганидан шишиб кетибди. «Ҳар куни, ҳамма хонадонларда аҳвол шу», дейди она куюниб.

Энг ачинарли аҳволни кейин кўрсатишди. «Манави қувурдан чиқаётган сув биз турган уйнинг канализациясидан келаяпти. Канализацияга сув ҳожатхона ва ваннадан тушади»,— дейишди. Худди шу ерда автобус бекати бор. Гавжум жой. Оқаётган сувдан бекатдагилар фойдаланиши мумкин. «Дом» ертўласида сув тобора юқори кўтарилавергач мутассаддилар ертўлага қувур ўтказиб, ифлос сувни катта кўчага оқизиб қўйишибди. Қувурнинг устига тунука ёки ленолиум ёпишаркан...

Чорсу мавзесидаги 4-уйда яшовчилар озода ва хотиржам яшашларига халақит бераётган яна кўп муаммоларини айтишди. Энг ачинарлиси, энг ҳайрон қоладиган жойи шундаки, бу ҳолатлар пойтахтнинг марказида содир бўлмоқда. Масъул идоралар нега бу ҳолга тоқат қилиб келишяпти? Уларнинг дид-фаросатлари наҳотки шунчалик ночор бўлса?

Энди масаланинг яна бир ташвишли томони бор. Ёз келди. Ҳаво қизигандан қизиб бормоқда. Агар зудлик билан чора кўрилмаса, оқибати оғир бўлиши мумкин.

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

МУАММО

ЭГАСИГА ЕТГУНЧА...

КУНДАЛИК МАТБУОТ НАШРЛАРИ НЕЧА КУН ЙЎЛ БОСАДИ?

Бу саволга ҳар жойда ҳар хил, деб жавоб бериш мумкин. Масалан, Амударё, Беруний, Элликқалъа, Тўрткўл туманларидаги обуначиларга етиб бориш учун кундалик матбуот нашрлари поездда «йўл босади». Нукус — Тўрткўл поездига ортилган шу кунги почта Амударё туманига соат 18.20 да, энг сўнгги манзил — Тўрткўл станциясига 21.30 да етиб келади. Бу туманларда газеталар эгаларига эртаси кун тарқатила бошланади.

Нукус шаҳрида почта алмашуви бўлмайдиган чоршанба ва якшанба кунлари обуначилар қўшимча яна бир кун кутишларига тўғри келади. Чоршанба кунги почта пайшанба куни туманларга жўнатилади.

— Баъзан жума кунлари ҳам почта келмайди, — дейди «Қорақалпоқпочта» ҳиссадорлик жамияти Элликқалъа филиали бошлиғи Қамариддин Мамбетов. — Шанба куни кечқурун қабул қилинган почтани шаҳар ичига якшанба куни, қишлоқ жойларга душанба куни тарқатамиз.

Уч кунда етиб борган газетанинг обуначи учун қанчалик қиммати бор? Янгиликларни тезкор етказишга ҳаракат қиладиган газетачилар меҳнатининг неча фоизи почта хизматидаги ана шундай кечикиш оқибатида ҳавога учади?

— Обунчилар сонининг камайишида ана шундай кечикишларнинг ҳам таъсири бор, — дейди ҳиссадорлик жамиятнинг Тўрткўл филиали бошлиғи вазифасини бажарувчи Султон Абдуразоқов.

Уларга шикоят билан мурожаат қилишганда матбуот нашрларининг ўз вақтида етказиб берилмаётганининг сабабини тушунтириб бериш билангина чекланишади. Бу ҳолатни бартараф этиш ҳақида ҳозирча ваъда бера олмайдилар.

«Қорақалпоқпочта» ҳиссадорлик жамияти почта хизмати бўлими бошлиғи Тамара Нуришева ҳам биз билан суҳбатда ҳеч қандай ваъда бера олмади.

— Бу масалада юқори ташкилотимизга бир неча бор мурожаат қилдик. Тошкент — Нукус самолётининг тонгги рейси бўлсагина кундалик газеталар шу куни туманларга етиб боради. Биз уларни эрталабки автобусларда жўнатиш имкониятига эга бўламиз...

Масалани ҳал қилишнинг йўли — фақат пойтахтдан тонгда учадиган самолётми? Ёки «Ўзбекистон почтаси» ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари бошқа ички имкониятларни излаб топадиларми? Муаммонинг ечимини эса кундалик нашрларни кечикиб олаётган Қорақалпоғистоннинг жанубий, шунингдек, Тахтакўпир, Бўзатов, Мўйноқ туманларидаги минглаб обуначилар интиқлик билан кутишяпти.

■ **Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ТОШКЕНТ – ТОКИО ҲАВО КЎПРИГИ ОЧИЛАДИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Япония авиация маъмурияти делегацияси билан икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш бўйича музокаралар ўтказди. Кунчиқар мамлакат авиация маъмурлари рухсати билан ўзбек учувчиларининг Токиога — «Нарита» аэропортига парвоз этиши кутилмоқда.

Маълумки, Миллий авиакомпания ҳозир ҳафтада икки марта Осака шаҳрига қатновларни бажармоқда. Рухсат олингач, Тошкент — Токио ҳаво кўприги ўрнатилади. Дарвоқе, МДҲдаги барча авиакомпаниялар орасидан фақат «Аэрофлот» ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Кунчиқар юртга мунтазам қатновларни амалга оширмоқда. Япония авиация маъмурларининг ҳукуматлараро битим имзоланишига қадар мамлакатнинг яна бир аэропортига парвоз этиш учун рухсат бериши ўзбек миллий авиакомпаниясининг халқаро авиабозордаги катта ютуғидир.

Япония фуқаро авиацияси бюроси бош директорининг ўринбосари жаноб Косуке Шибата ўн йил давомида рақобатбардош ва нуфузли авиакомпанияга айланган, ҳамкорлар ва мижозлар ишончига сазовор бўлган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» фаолиятига юксак баҳо берди. «Айтиш керакки, — деди у, — Японияннинг ҳамма аэропортлари ҳам ўзбек аэропортларидагидек асбоб-ускуналар билан жиҳозланган эмас. Тошкентга «Ўзбекистон ҳаво йўллари»да учиб келдим. Парвоз менга жуда ёқиб қолди».

■ **Алишер РЎЗИЕВ**

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПЛЕНУМЛАР, МАЖЛИСЛАР, ЙИҒИЛИШЛАР

ЎзХДП **Қашқадарё вилоят кенгашининг** навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда партиядан сайланган депутатлар, партия фаоллари, вилоят жамоат ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Пленумда мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси саккизинчи сессиясидаги маърузасидан ва Ўзбекистон ХДП МК IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида»ги масала муҳокама этилди. Кун тартибидаги масалалар бўйича вилоят партия кенгашининг котиби Р.Раджабов маъруза қилди.

Шундай кун тартибидаги пленумлар **ХДП Қарши шаҳар ва Данғара туман кенгашлари** ҳам бўлиб ўтди. Пленум иштирокчилари мазкур кенгашларнинг котиблари — К.Каромова ва З.Ҳамралиевларнинг маърузаларини муҳокама этиб, тегишли қарорлар қабул қилдилар. Шу билан бирга, Данғара туман кенгашининг пленумида ХДП МК Экологик дастури атрофлича муҳокама этилиб, бошланғич партия ташкилотларининг амалий вазифалари аниқланди.

ХДП Қарши шаҳар кенгаши пленумида Қарши шаҳар ҳокими, Олий Мажлис депутати И.Асадов, Қашқадарё вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари М.Ражабов, **Данғара туман партия кенгаши** пленумида халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгаши депутати М.Хўжаев қатнашдилар ва сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон **ХДП Олмалиқ шаҳар кенгашининг** пленумида партия ташкилотларининг ортда қолган йилдаги фаолиятига таҳлилий назар ташланди, фаоллар эътибори кўпроқ йўл қўйилган камчилик ҳамда қилинмаган ишларга, партиянинг кейинги ривожланиши масалаларига қаратилди. Пленумда **ХДП Олмалиқ шаҳар кенгашининг** биринчи котиби Н.Қодиров маъруза қилди.

ХДП **Гулистон туман кенгашининг** ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Унда М.Бўронова Гулистон туман партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Тошкент вилоят партия кенгаши, Ангрен шаҳар кенгаши негизида вилоятдаги шаҳар ва туман партия ташкилотлари шўъба мудирлари ва ҳисобчилари билан ички партиявий масалалар юзасидан семинар-кенгаш ўтказди.

Андижон шаҳар партия кенгаши ҳудудий (бошланғич) партия ташкилотлари котибларининг йиғилишини «Маданият», «Иттифоқ», «Деҳқонобод», «Фаробий», «Чўлпоннинг 100 йиллиги», «Озодлик», «Бирлик» ва «Меҳнат» маҳалла фуқаролар йиғинларининг оқсоқоллар кенгашлари аъзолари иштирокида ўтказди. Унда ҳамкорликда амалга оширилаётган сиёсий-оммавий, маданий-маърифий ишлар таҳлил қилинди ва янги режалар тасдиқланди.

МУЛОҲАЗА

БОЛАЛИКНИНГ ҲАЙРАТ КЎЗЛАРИ

БУГУНГИ ДАВР БОЛАЛАРИГА МИЛЛИЙ МУЛЬТФИЛЬМЛАР ЗАРУР

Бугун ўзгариб бораётган оламимизда телевидение инсонлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолди. Томошабин хоҳлаган пайтида, истаган телеканали орқали фильм ёки спектаклни томоша қилиш имкониятига эга. Боз устига, бугунги телевидение ахборот тарқатишнинг энг тезкор воситаси бўлиб, унинг имкониятлари ва истиқболлари кенгайди.

Баркамол авлодни тарбиялаш, болаларимиз қалбида ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, уларни мард ва жасоратли қилиб тарбиялашда телевидение билан бир қаторда кинофильмлар аҳамияти катта.

Президентимиз бу ҳақда шундай деган: **«Санъатнинг бошқа турларини камситмаган ҳолда, бугунги кунда телевидение ва кино санъатининг таъсир кучи бениҳоя юксалиб бораётганини қайд этиш лозим. Шунинг учун менинг назаримда кичкинтой болаларимиз учун миллий руҳдаги кўплаб мультфильмлар, бадиий ва видеофильмлар яратиш зарур. Токи, фарзандларимиз фақат Уолт Дисней қаҳрамонларинигина билиб, таниб қолмасдан, ўзбек халқ эртакларини, миллий қаҳрамонларимизни ҳам танисин-билсин, улар билан ифтихор қилишга одатлансин».**

Мустақиллик йилларида ўзбек анемациясида яратилган асарларни тарихий, ватанпарварлик, фалсафий, халқ эртаклари асосида ва кичкинтойлар учун жониворлар ҳақида яратилган мульфильмларга ажратиш мумкин.

Олам-олам орзулар оғушида яшаётган ва дунёқараши олдинги болалардан ажралиб турган бугунги давр болалари ҳам мультфильмларни севиб томоша қилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, мультфильмлар орқали миллий ғоя тарғиб қилинса, болаларнинг мурғак юрагига ва онгига содда ва аниқ етиб боради. Шундагина болаларда мафкуравий иммунитет пайдо бўлади ва ёт ғояларга ошно бўлмайди. Ўйлаб қарасангиз, ҳаммамиз ҳам болаликда эшитган, ўқиган эртакларимиз, томоша қилган мультфильмларимиз таъсири билан келажакдан умид қилиб яшаганмиз. Бирор бир сеҳргар келиб бизни шаҳзода ёки шоҳ қилади, шу орқали бахтли ҳаётга эришамиз деб ишонганмиз. Аслида эса меҳнат ва изланиш, шу азиз замин равнақи йўлида фидойилик, дўстлик ва бирдамлик, ижодкорлик, меҳр-оқибатнинг кучи ҳар қандай сеҳргар кучидан устунлигини англаб етдик. Яратилаётган мультфильмлар орқали болаларни янгича фикрлашга ўргатишимиз лозим деб ўйлайман. Мамлакатимиз мультипликация студияларида ҳам турли жанрларда жозибадор, қизиқарли сюжетга эга, энг асосийси болаларда эстетик дид, мафкуравий иммунитет шакллантирувчи асарлар яратиш имкониятлари катта деб ўйлайман.

Тўғри, мустақиллик йилларида бир қатор мультфильмлар яратилди. Аммо, назаримда соф миллий ва аниқ мақсадга йўналтирилган мультфильмлар жуда кам.

Мана, икки йилдан буён «Ёшлар» телеканали орқали қадимий ҳинд эпоси асосида яратилган «Рамаяна» кўп серияли бадиий фильми намойиш этилмоқда. Ўша дақиқаларда болаларимизни бутун вужуди қулоққа, кўзга айланиб бу ғаройиб фильмни томоша қилдилар. Ота-онага ҳурмат, акаукалар ўртасидаги садоқат, меҳр-оқибат тушунчаларига йўғрилган бу фильм барча фарзандларимизда катта таассурот қолдирди.

Аммо, бизда бундай фильмлар қачон яратилади, деган ўй кўпчиликни қийнайди. Тўмарис ва Широқнинг жасорати, Алпомиш ва Барчиной муҳаббати, ватанга садоқати қачон экранларимизга кўчиб ўтади. Ўзбекнинг халқ достонлари, халқ эртаклари замиридаги миллий қадриятлар бугун улғаётган фарзандларимиз тарбияси учун зарур эмасми?

Эртаклар болаларимиз ҳайрат оламига сўз ёрдамида таъсир қилса, фильмлар бевосита жонли таъсир ўтказади. Мультфильмларда тасвирланган воқеа, қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, қувончи, изтироби, курашлари фарзандларимиз фикрий оламини бойитади. Уларда ўша қаҳрамонга интилиш, унга тақлид қилиш ҳолатлари бошланади. Демак, ўз-ўзидан бу фильмлар миллий руҳда яратилган бўлса, аждодларимиз ҳақида ҳикоя қилса, ватанга муҳаббат, табиатга ҳурмат унга сингдирилса, унинг томошабинлари бўлган фарзандларимиз дунёқарашида мана шу тамойиллар шакланади.

Ойнаи жаҳоннинг таъсир кучи, аудиторияси жуда улкан. Унинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, фарзандларимиз 6-7 ёшдан китоб билан ошно бўлсалар, 2 ёшларидан телевизор ёнида ўтирадилар. Ундаги мультфильмларни қизиқиш билан томоша қиладилар. Бундай фильм ва кўрсатувлар болалар онги ва шуурини юксалтиришга қаратилмоғи зарур.

■ **Қаҳрамон СОБУРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.**

«ОЛТИН

Навоий вилояти улкан иқтисодий салоҳиятга эга экани ҳаммамизга маълум. Бу ерда фаолият кўрсатаётган Навоий кон-металлургия комбинати, Навоий ГРЭСи, «Зарафшон-Ньюмонт» ўзбек-америка қўшма корхонаси, «Навоийазот» ва «Қизилқумцемент» бирлашмалари, «Электрохимзавод» қўшма корхонаси каби йирик ишлаб чиқариш қувватлари нафақат вилоят, балки бутун мамлакатимиз саноатининг фахри саналади.

Ислом КАРИМОВ

Буюк бобомиз номи билан аталгувчи Навоий шаҳридан тахминан ўн беш-йигирма чақирим йўл босиб, ажиб манзарага дуч келдик. Боғ-роғларга бурканган маскан.

Одатда цемент заводининг ичкариси у ёқда турсин, ёнатрофлари ҳам чанг-тўзонга бурканган бўларди.

Корхона яшил либосда. Мевали дарахтларда ҳосил нишоналари шиғил. Манзарали ниҳоллар кўзни яшнатади. Ҳар қадамда фаввора.

— Кейинги йилларда акциядорлик жамиятимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билан бирга атроф-муҳит мусаффолигига ҳам катта аҳамият бериляпти, — дейди корхонанинг етакчи мутахассиси Олимжон Ражабов. — Бу ўринда қуйдириш печларидаги тутун ва дуд чиқиш мосламаларига чет эл андозаси даражасидаги фильтрлаш воситалари ўрнатилганлиги, цемент 50 килограммлик полиэтилен қопларда қадоқланиб чиқарилаётгани диққатга сазовор. Россия Федерациясининг Ярославль вилояти Семибратово шаҳридаги корхонадан шартнома асосида келтириб ўрнатилган фильтрлаш қурилмалари фойда бермоқда. Натижада, ҳар бир тегирмонда чанг чиқиш даражаси соатига 120 килограммга камайди. Айланма печлардан чиқадиган чангдан ҳавони тозалаш учун юқори (40 атмосфера) босимли сув насослари ўрнатилди. Чангютгичлар янги электрфильтрлар билан жиҳозланди, айримлари таъмирланди. Оқибатда печдан чанг чиқиш миқдори соатига 600 килограммдан 140-150 килограммга тушди.



Чорак аср муқаддам Қарнаб тоғликлари, Ўртачўл кенгликлари ва Маликчўл сарҳадлари орасида бунёд этилган корхона учун маҳаллий хомашё шундоққина ён-атрофдан олинади. Харсангтош, оҳактош ва сланец конлари бу томонларда сероб. 7-8 километр олисликдаги конлардан олинган маъданлар «Тоғ-кон» ишлаб чиқариш бўлинмасида қайта ишланиб, 5,5 километрли ҳаракатланувчи тасмали ленталар орқали корхона омборига узатилади. Маъданлар 8 та тегирмонда қайта майдаланиб, клинкер ҳолига келтирилади. Ярим тайёр маҳсулот ўз навбатида учта махсус қуйдириш печларига келиб тушади.

Табиий газ ёрдамида хомашёни 1800 даражали ҳароратда қуйдира оладиган учта айланма печнинг ҳар бирининг қуввати бир-кеча кундузда 3 минг тоннага етади. Уларнинг иккитаси узлуксиз ишлайди, биттаси заҳирада сақланади. Айни кунларда икки печнинг узлуксиз ишлаши туфайли корхонада бир кеча-кундузда 7-7,5 минг тоннадан ошириб сифатли цемент тайёрланяпти.

Корхона ҳаётида иқтисодий таназзул юз берган пайтлар ҳам бўлди. Одатда бундай пайтларда уч-тўрт ойлаб маош ололмаган малакали кадрлар корхонани тарк этиши мумкин. Қолаверса, тўқсонинчи йилларнинг ўрталарига келиб барча печлар, асбоб-ускуналар таъмирлашга муҳтож бўлиб қолди. Маблағ етишмади. Устига-устак корхона қарздорлик ботқоғига ботди. Уни оёққа



турғазиш учун тадбиркор ва иқтидорли раҳбар зарур эди. Жамоага «Қувасойцемент» корхонасида кўзи пишган муҳандис, цементсозликда яхшигина тажриба ва малакага эга Ражап Жуманиёзов раҳбар бўлиб келди.

Ёш раҳбар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга киришди. Аввало, малакали ишчиларни асраб қолишга интилди. Хориждлик ҳамкасблари билан алоқа боғлади. Айниқса, Словакиядаги ўтга чидамли ғишт ишлаб чиқарувчи завод билан ҳамкорлик муваффақият келтирди. Ўтга чидамли, камёб қора ғиштлар печларнинг бетўхтов ишлаш муддатини уч ойдан олти ойга узайтирди. Германиянинг «Хаверс», «Мюллер» фирмаларидан келтирилган технологиялар эса цементни қадоқлашда қўл келди. Корхона имкониятлари кенгая борди. Натижада ички ва ташқи бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан «ишғол» этиш бошланди.

ХДП **Нукус шаҳар кенгаши** ҳам ҳудудий (бошланғич) партия ташкилотлари котиблари йиғилишини ўтказди. Унда ишлаб чиқилган тавсиялар асосида, тумандаги барча партия тузилмаларида, юқори партия кенгашларида ўтказилган пленумлар якунларига бағишланган, очиқ партия йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

Кўшкўпир туманидаги «Обод» ширкат жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотининг очиқ партия йиғлиши қатнашчилари ўтган йилдаги ишлар ва навбатдаги вазифалари юзасидан ташкилот котибининг муовини Р.Раҳматуллаеванинг ҳисоботини муҳокама этиб, партия аъзоларининг фаоллиги, уларнинг маданий-маърифий ишларга эътибори, партиявий интизом ва бу борадаги ютуқ ҳамда камчиликларга тўхталиб ўтдилар. Партия мажлисида ХДП Кўшкўпир туман кенгашининг биринчи котиби Ф.Холиқов, ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Э.Иброҳимовлар сўзга чиқдилар.

Фурқат тумани «Ишонч» ип-йигирув ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилотида, ХДП аъзоларининг мамлакатимиздаги демократик ислоҳотлар янги босқичидаги вазифалари муҳокамасига бағишланган, очиқ партия йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш сўнггида, **ХДП Фурқат туман кенгаши** биринчи котиби И.Низомов 30 нафар, ХДП сафига ўтган, ишчи ва хизматчиларга партия билетларини топширди.

ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИГА БАҒИШЛАБ

ХДП **Кўшкўпир туман кенгаши** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда 17 нафар болаларнинг суннат тўйини ўтказдилар, 150 нафар болаларга моддий ёрдам кўрсатдилар. Шу билан бирга, партия кенгаши марказий маданият ва истироҳат боғида «Болалар — келажагимиз!» мавзуида байрам тантанасини ўтказишда бош-қош бўлди.

ХДП Данғара туман кенгаши 4 ва 5-сон болалар боғчалари тарбияланувчилари ўртасида «Менинг Ўзбекистоним!» мавзуида расмлар кўрик-танловини ташкил этди ва 50 нафар болаларга турли хил совғалар улашди.

ХДП Сирдарё туман кенгаши халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси, «Ватанпарвар» ташкилоти ва туман спорт қўмитаси билан ҳамкорликда, бу кунга атаб, баскетбол бўйича спорт мусобақасини ташкил этди. Мусобақа ғолиблари ҳомийлар томонидан совғалар билан тақдирландилар.

Партия **Хоразм вилоят кенгаши** эса 11-сон болалар уйининг тарбияланувчиларига кийим-кечаклар ҳадя этди.

ХДП Марҳамат туман кенгаши ёшлар ўртасида ўтказилган волейбол бўйича мусобақларни республика ва вилоят терма жамоалари аъзолари марҳум устозлар М.Рўзибоев ва Э.Исмоиловлар хотирасига бағишлади.

Тўрақўрғон туман кенгаши байрам арафасида боғча болалари орасида «Жажжи гўзал» кўрик-танловини ташкил этди.

Собир Раҳимов туман партия кенгаши эса кам таъминланган оилалар фарзандларини Тошкентдаги ҳайвонот боғига сайрларини уюштирди. Бу тадбирни амалга оширишда 3-автобус саройи ҳиссадорлик жамияти раиси М.Йўлдошев ва Тошкент ҳайвонот боғи директори О.Расуловлар яқиндан ёрдам бердилар.

ХДП ХАБАРЛАРИ

«ГУЛЛАР ВА ҚУШЛАР» БАЙРАМИ

ЎзХДП Қўқон шаҳар кенгаши «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси билан ҳамкорликда Муқимий номли истироҳат боғида «Гуллар ва қушлар» байрамини ўтказди.

Табиат ва ҳайвонот оламига шафқатли бўлиш, уни авайлаб-асраш ғояларига йўғрилган мазкур тадбирда ўқув юртлари, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимлари ишлаб чиқариш корхоналарининг вакиллари иштирок этдилар.

Байрамнинг ўзига хос беллашувларида биринчи ўрин 64-махсус ногирон болалар боғчаси ва қолган фахрли ўринлар эса 1-шаҳар шифохонаси, 32-лицей жамоаларига насиб этди.

■ **Зулфия ҲОШИМОВА,**
ЎзХДП Қўқон шаҳар кенгаши котиби

МОМОЛАР БЕЛЛАШУВИ

Балиқчи туман маданият саройида Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган «Бедор қалб наволари» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда неварали, чеварали меҳрибон онахонлар ўзаро беллашишди.

Улар Ватан остонадан бошланишини, шу боис уни табаррук билмоғликни, кутубхона нурхона эканлигини, ундан жаҳолат нарилигини йиғилганларга ўзига хос тарзда шарҳлаб бердилар.

Иштирокчилар миллий урф-одатларимизни тарғиб қилувчи қўшиқларни ҳам қойилмақом қилиб ижро этишди.

Беллашувда Ўринжон Жўраева биринчи, Ҳолдархон Қамбарова иккинчи, Дилбархон Қодирова учинчи ўринларни эгаллашди. 74 ёшли Тошхон ая Воҳидова ва Офтобхон Раҳимова танловнинг фаол иштирокчилари, деб топилдилар.

— Ёшимиз бир жойга бориб қолган бўлса-да, Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизни ҳурмат қилишдек олий туйғуларни ёшлар онгига янада сингдириб, уларга одоб-ахлоқни қўлимиздан келганича тушунтирмоқдамиз, — дейди Тошхон ая Воҳидова.

Туман марказий кутубхонаси, вилоят маънавият ва маърифат жамоатчилик марказининг туман бўлими, хотин-қизлар қўмитаси ва ХДП туман кенгаши ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбир сўнггида ғолиблар ҳомийлар томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

■ **Одилжон ЖЎРАЕВ**

МИЛЛАТ ВА ТАРИХ

ЯНА ҲИНД СОРИҒА...

ТАРҲИНИ БОБУР ЧИЗГАН БОҒ. НОЁБ СУРАТ

Аграда бобурийлар томонидан яратилган боғ-хиёбонлар, уч қаватли уйлар кўп, Андижоннинг эски шаҳридаги каби тор кўчалар кўп. Лекин сердарахт, сергул шаҳар.

Бобур ўзининг қўл остидаги мамлакатларнинг кўпларида сарой ва қасрлар қурдирди, боғлар яратди, — деб ёзади инглиз тарихчиси, бобуршунос Уилям Эрскин. — У гулзорлар ва гўзал йўлакларни кўриб қувонарди. Шу билан бирга яхшигина боғбон ва табиатшунос ҳам эди, айрим мевали ва манзарали дарахтларни бир мамлакатдан бошқа ўлкаларга олиб келтириб, янги иқлим шароитига мослаштирар эди. Бу дарахтларнинг кўплари ҳали ҳам яшнаб турибди».

Эрскин назарда тутган боғлардан бири бу шубҳасиз Оромбоғ, ҳиндистонликлар тили билан айтганда Ромбоғдир.

Биз Бобур Мирзонинг ўзи Жамна дарёси бўйида барпо қилган, умрининг сўнгги кунларини яшаган мазкур боғда ўзимиз кутмаган манзаралар дуч келдик. Ўтган гал кирганимизда бу боғ ҳам кимсасиз, қаровсиз уй, хоналарнинг умуман эшиги йўқ, деразалари ланг очиқ ҳолда эди. Боққа қараб турадиган боғбон ҳам худо етказиб, тасодифан келиб қолувди. Энди пуллик бўлибди. Чипта сотувчиларга биз Бобур шоҳ юртиданмиз, деб ўзимизни таништирдик. Аввалига боғни видеога олиш мумкинмас, деб тайсаллаб туришди-ю, кириш ҳақини узатганимиздан кейин юмшашди.

Хиёбон тўридаги уйларга эшик қурилиб, қулф солинибди. Атроф супуриб-сидирилган, саришта эди. Уйлар кенг, баланд кўтарманинг икки томонида бўлиб, ўртада ҳовуз, унинг ўртасида бетон (илгари мармар бўлган бўлиши керак) супа, супа ёнида ер ости хоналарга, ундан дарё қирғоғига олиб чиқадиган зинали йўл бор эди. Ер ости хоналарнинг панжара эшиги ҳам қулфлоғлиқ эди. Тушмоқчи эдик, боғ назоратчиси Вину Шанкар калитлар идорамизда сақланади, деди. Ташқарига чиқиладиган жойдан пастга — сув (Жамна) бўйига тушадиган зиналар ҳам бор эди.

— Ромбоғнинг тарҳини Бобур Мирзонинг ўзи чизган ва у тўрт йил давомида қурилган, — дейди Вину Шанкар. — Биноларнинг бирида эркаклар, иккинчисида аёллар яшашган, ер остидаги залсимон хоналарда Бобур Мирзо машварат-йиғинлар ўтказган, узоқ-яқин вилоятлардан ташриф буюрган рожалар, ҳокимлар, арзгўйларни қабул қилган. Бетоб бўлиб касали зўрайганда, ҳаво етишмай қолиб, ташқарига олиб чиқинглар, деган ва мана шу — ҳовуз ўртасидаги супага жой қилиб ётқизишган, жони ҳам шу ерда узилган... Ҳовуздаги фавворалар йигирма йил аввал ҳам ишларди, кейин қаровсиз қолди, мана, бугун яна таъмирланмоқда. Бояги сизлар кўрган қумли, ноёб қизил тошлар етмиш чақирим наридаги Гатпурдан олиб келинмоқда. Боғнинг умумий майдони эллик акр».

Назоратчининг айтишича, жасад шу қароргоҳда уч кун сақланган, кейин Чобуржига дафн этилган, олти ойдан сўнг у ердан олиниб, Кобулга олиб бориб кўмилган. (Албатта, бу муддат баҳсли).

Ҳар иккала бино бир хил: икки томонда биттадан ўртача хона ва ўртада икки ёни очиқ каттагина айвон шаклида қурилган эди.

(Давоми 4-бетда)

ҚОҲИРАДА ЎЗБЕКИСТОН ТЎҒРИСИДАГИ КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

Миср пойтахти Қоҳирадаги Заҳозиқ университети қошидаги Осиё тадқиқотлари институтида бўлиб ўтган халқаро ислом конференцияси доирасида Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи бир неча китобларнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон диний ишлар бошқармаси раиси А.Баҳромов ўзбек халқининг бой маънавий мероси, унинг ислом маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, Осиё тадқиқотлари институти директори С.Ҳанафий ҳам мамлакатимизнинг турли соҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари хусусида тўхталар экан, Ўзбекистонда халқнинг бой маънавий салоҳиятини асраш ва ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини эътироф этди.

Анжуманда мамлакатимиз раҳбарининг «Маънавий юксалиш йўлида» асарининг арабча нусхаси, шунингдек «Ўзбекистон Ислом дурдоналари» фотоальбоми ва «Ўзбекистон Республикаси» рисоласи иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Шундан сўнг тақдимот маросими Қоҳира университетида давом эттирилди. Маросимда иштирок этган Мисрдаги жамоат ва сиёсий доиралар вакилларининг таъкидлашича, мазкур тадбир Миср жамоатчилигига ўзбек халқининг ноёб маънавий мероси, шунингдек Ўзбекистоннинг бугунги куни билан яқиндан танишиш учун қулай имконият яратди.

■ **«Жаҳон» АА**

ДУНЁ БОЗОРИГА ЙЎЛ

Бухорода Ўзбекистон Республикаси мол-хомашё биржаси филиали бизнес маркази иш бошлади. Қисқа муддатда Юртбошимиз ташаббуси, республика ҳукумати ёрдами билан лойиҳа қиймати 700 миллион сўм бўлган бу ажойиб кошонанинг очилиш маросимига мамлакатимиз пойтахти, Тошкент, Самарқанд, Навоий вилоятларидан кўплаб тадбиркорлар ташриф буюрдилар.

Бизнес марказини меҳмонлар дунё бозорига чиқадиган йўл, демоқдалар. Марказий савдо зали пештоқида ўрнатилган электрон таблодаги соатлар дунёнинг эътироф этилган марказлари — Нью-Йорк, Лондон, Париж, Москва вақтини кўрсатиб турибди. Бухоролик тадбиркор энди бу ердан жаҳоннинг исталган биржасига чиқиб, интернет ёрдамида ўз маҳсулотларини сотади ва хориж технологиясини харид қилиши мумкин.

Марказнинг очилиш маросимида қатнашган тадбиркорлар республикада биринчи бўлиб ташкил этилган мини технологиялар кўргазмаси билан танишиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

МАКТАБ ВАЗИФАСИНИ ЎТАМОҚДА

Республикамиздаги кекса нашрлардан бири — «Зарафшон» вилоят газетасининг нафақат Самарқандда, балки мамлакатимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида ҳам нуфузи катта. Ўзининг саксон бешинчи баҳорига пешвоз чиққан отахон газета матбуотни ривожлантириш, журналист-ижодкор кадрлар малакасини оширишда катта мактаб вазифасини ўтаб келаётир.

Газета таҳририятида самимий учрашувлар билан бошланган юбилей тантаналари вилоят ҳокимлигининг мажлислар залига кўчди. Меҳнат фаолиятини таҳририят остонасидан бошлаган халқимизнинг севимли фарзандлари — Шараф Рашидов, Нуриддин Шукуров, Суръат Орипов каби ўнлаб сиймоларнинг хотиралари эсга олинди.

Шундан кейин кўркам Марказий истироҳат боғидаги «Мўлиён» чойхонасида бир пиёла чой устида давом этган қизғин дил суҳбатлари, мусиқий чиқишлар тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

■ **Шуҳрат ҚАРШИЕВ**

ХОНГАРОН ҚАД РОСТЛАМОҚДА

Бойсуннинг Қуралай адирлари ва Кофрун кенгликларидаги минглаб гектар лалми ерларга обиҳаёт элтадиган Хонгарон сув омбори ишга тушгач 8,5 минг кубометр ҳажмда сел сувлари тўпланишини таъминлайди. Бугун бу ерда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Тўғон қурилишида замонавий техника воситалари ишлатилмоқда.

■ **«Туркистон-пресс»**

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

КУБОК»ЛИ КОРХОНА

«ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ» МАМЛАКАТИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ЦЕМЕНТНИНГ 34 ФОИЗИНИ ЕТКАЗИБ БЕРМОҚДА

Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштирмай туриб, катта ютуқларга эришиб бўлмайди. Илгари цемент учун зарур хомашё — шлак Қозоғистондан олинарди. Бу анча қимматга тушарди. Эндиликда вилоятнинг ўзида «туффит» кони очилди. Туффит ва маъданли қўшимчалар термоактив ишловдан чиқарилиб, цементга қўшиляпти. Бу эса йилига 4,5 миллион АҚШ долларини тежаб қолишга имконият яратди. Қорақалпоғистон, Жиззах вилоятидаги Қўйтош, Чимқўрғон ва Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани конларидан цемент учун зарур хомашё — темир оксидига бой маъданли қўшимчалар ҳам олиб келинмоқда. Шунингдек, илгари гипс Туркманистондан не-не машаққатлар билан ташиб келинарди. Энди бу хомашё Самарқанд ва Бухоро вилоятларидан олиняпти.

Айни пайтда корхонада саккиз турда цемент ишлаб чиқарилмоқда. Унинг икки хили сульфатга чидамли, махсус тайёрланадиган цемент. Бошқа турдаги цементлар ҳам Ўрта Осиёда юқори сифатли қурилиш «нон»и сифатида қадрланади.

Жамоа маҳсулот турларини кўпайтириш йўлида жиддий изланишлар олиб бораяпти. Шлакоблок ғиштлар, бетон маҳсулотлари, иссиққа чидамли ғишт ишлаб чиқариш цехлари ишга туширилди. Ойига 1500 тонна тош майдалайдиган шебень цехи ҳам фойдаланишга топширилди.

Ҳиссадорлик жамияти маҳсулотлари кўпгина халқаро кўргазмаларнинг олтин нишонларига сазовор бўлаётгани қувонарли ҳол. Европадаги халқаро саралаш қўмитаси XVII халқаро конвенциясининг обрўли компания ва экспертлари қарори билан корхона «Сифатли маҳсулот халқаро кубоги соврини» билан тақдирланди. Соврин 2000 йилнинг 20 ноябрь куни Испания пойтахти Мадрид шаҳридаги жаҳон ишбилармонлари йиғинида корхона Бош директори Ражап Жуманиёзовга тантанали равишда топширилди. Ўтган йилнинг 21 ноябрида эса Хитой пойтахти Пекин шаҳрида корхонага «Сифат белгиси» соврини берилди. Лондон, Пекин, Бонн, Токио биржалари сингари жаҳон бозорларида Навоий цементининг довруғи таралган.

Шу боиски ташқи бозорда унинг харидорлари тобора кўпайиб бормоқда. Чунончи, 2001 йилда бир неча миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинган бўлса, шу йилнинг уч ойи мобайнида 823 мингдан зиёд АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинди. Ўтган йили бу кўрсаткич 760 мингдан ошиқроқ АҚШ долларига тўғри келганди. Бу йил қўшни Афғонистонга ҳам цемент сотиш бошланди.

Мана бу рақамларга ҳам эътибор қилинг: ўтган йили корхонада 1 миллион 501 минг тонна цемент ишлаб чиқарилди. Халқ истеъмоли моллари тайёрлашдан 1 миллиард 653 миллион сўм даромад олинди. Бу маблағнинг асосий қисми ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида иккита 60 тонналик тош-тарози линияси ҳаракатга келди. Йўл-йўлаклар таъмирланди. Бешта хомашё тегирмони шай қилинди.

Корхонада ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида аҳамият бериляпти. Ўтган йили ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 56 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу йил 70,4 минг сўмдан ошяпти. Зарафшон дарёси бўйида 100 ўринли соғломлаштириш профилакторийси жамоа хизматида. Яқинда 28 хонадонли уй, икки коттеж ҳам фойдаланишга топширилди.

Мижозлар учун ҳам катта қулайликлар яратилди. Аввалари цемент олиш учун келган машиналар карвони кеча-кундуз навбат кутишга мажбур эди. Эндиликда 2 та замонавий тарози бунёд этилиши, юк ортишда тартиб ўрнатилиши, ҳисобчи-ю хазиначиларнинг шу ернинг ўзида хизматга шай бўлиб туришлари вақтни бехуда сарфлашнинг олдини олди. Шунингдек, транспорт воситалари учун махсус тўхташ майдони, янги чойхона, дам олиш хоналари ташкил этилди.

«Қизилқумцемент»нинг 2300 кишилик жамоаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган цементнинг 34 фоизини тайёрлаётганликлари билан фахрланадилар.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
Бахтиёр СОДИҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Суратларда: корхонанинг қизғин меҳнат жараёнларидан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

УЧРАШУВ ОҚ УЙДА БЎЛАДИ

10 июнь куни Оқ уйда АҚШ Президенти Жорж Буш билан Исроил бош вазири Ариэл Шароннинг учрашуви кўзда тутилмоқда. Оқ уй маъмурияти тарқатган манбаларда қайд этилишича, Яқин Шарқдаги вазият мазкур учрашувнинг асосий мавзусини ташкил этади, дея хабар беради Reuters агентлиги.

ЯНГИ ТУЗИЛМА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

АҚШ Марказий разведка бошқармаси директори Жорж Тенет Фаластинга ташриф буюрди. Фаластин раҳбари Ёсир Арафот билан бўлган учрашувда Фаластин хавфсизлик хизматининг янги тузилмаси ҳақидаги масала муҳокама этилди. Die Welt нашри тарқатган хабарга кўра, Ғазо секторида ва Ғарбий соҳилда фаолият юритаётган турли ташкилотлар ягона бошқарувга бирикиши керак. Бундан ташқари Арафот томонидан илгари сурилган хавфсизлик хизматини ислоҳ қилиш режасига кўра, улар сони қисқартирилиши кўзда тутилмоқда. Бу режа Фаластинда демократик органлар бошқарувини ислоҳ қилишнинг бир қисми бўлиб, у мамлакатда терроризмга қарши курашда самарали натижалар беришига умид қилинмоқда.

ПОЛИЦИЯ БИЛАН ТЎҚНАШУВ

Боку яқинидаги Нардаран посёлкаси аҳолиси билан полиция ўртасида бўлиб ўтган тўқнашувда бир киши ҳалок бўлди, полициячилардан бири эса ўқдан жароҳатланди, шунингдек, 35 киши турли даражада тан жароҳати олди. Тўқнашув душанба куни кечқурун бошланиб, туни билан давом этган.

Озарбайжон прокуратураси ва Ички ишлар вазирлигининг матбуот хизмати берган маълумотларда қайд этилишича, 7 май куни нардаранлик бир гуруҳ кишилар посёлка маъмурияти биносида раҳбариятга куч ишлатиб, жисмоний тазйиқ ўтказган.

3 июнь куни эса ўша гуруҳ вакилларидан 4 киши қамоққа олинган, яна 3 киши ушланган. Шу куни тош, портловчи аралашма солинган шиша ва темирлар билан қуролланган 200 киши посёлканинг марказий майдонига йиғилиб, уларни озод қилишни талаб этишган. Тартибни сақлаш учун етиб келган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи вакиллари улар билан музокарага киришган, лекин бу самара бермаган. Натижада тўқнашув содир бўлган, дейилади манбаларда.

Тартибсизликни уюштиришда бош-қош бўлган 2 киши қамоққа олинди, қолганлари устидан тергов жараёни бошланди.

ТУРКИЯ АСКАРЛАРИ АФҒОНИСТОНДА

Яқинда 200 нафардан ортиқ турк аскарлари Афғонистон пойтахтига келдилар. Улар Кобулни қўриқлаётган халқаро қўмондонликнинг асосий контингенти сифатида хизмат қиладилар. Негаки, расмий келишувга асосан энди халқаро контингент бошқаруви Буюк Британиядан Туркия қўлига ўтади.

Маълумки, халқаро контингент қўшинлари кейинги ҳафтада ўтадиган Лоя жирғаси хафсизлигини таъминлашда Афғонистон миллий гвардияси ҳарбий бўлинмаларига ёрдам бериши кўзда тутилган, дея хабар беради Associated Press агентлиги.

МУХЛИСЛАР МУШТЛАШУВИ

Футбол бўйича жаҳон чемпионатида қатнашаётган Туркия ва Бразилия терма жамоалари ўйинини Берлин марказидаги катта экранда томоша қилаётган 500 дан ортиқ футбол мухлислари ҳисоб 2:1 бўлганда ўзаро жанжаллашиб қолишди. Жанжал муштлашувга айланди. Натижада 2 киши оғир тан жароҳати олди. Жанжалнинг бош сабабчиси — бир киши полиция томонидан қамоққа олинди.

Муштлашувда қатнашганларнинг 400 нафари турк миллатига мансуб, 70 нафари эса бразилияликлар эди.

ЧИКАГО. КОНГРЕСС МЕҲМОНХОНАСИ



МАҲБУСЛАР ҚОЧИШИГА ИМКОН ЯРАТДИ

Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳридаги қамоқхоналарнинг биридан бир гуруҳ маҳбуслар қочиб кетишди. Гап шундаки, футбол бўйича жаҳон чемпионати ўтаётган шу кунларда қамоқхона соқчиларининг футбол томошасига берилиб, ўз вазифасига эътиборсизлик қилишгани ушбу кўргиликни келтириб чиқарди.

Қамоқхона маъмуриятининг хабар беришича, Бразилия-Туркия терма жамоаларининг ўйини телевидение орқали намойиш этилаётган пайтда 17 нафар маҳбус қочишга улгурган. Полиция кенг қамровли қидирув олиб бормоқда. Ҳозирча уч маҳбус қўлга олинди, холос.

ОЛТИ ЙИЛДА ҚУРИЛМАГАН ДРЕНАЖ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўнга яқин хонадонда бўлдик. Аҳвол бир хил. Қайси бир уйга кирманг, димоғингизга моғор ҳиди урилади. Бу ерда кексалар бор. Ёш болалар кўп. Бундай зах жой уларнинг соғлигига таъ-

сир қилмайдими? Нам деворлар орасида яшаш саломатлик учун ўта хавфли эмасми?

Айниқса, бу йилги баҳорнинг серёғин келиши бу маҳалладагиларнинг ташвишини янада ошириб юборди. «Ертўладан ҳовлимизга сув тошиб чиқди. Челак-пақирларда сувни кўчадаги ариққа ташийвериб тинкамиз қуриди», — дейди 17-уйда яшовчи Аъло Камолхўжаев.

— Мен эса йўлини топдим, — деди 28-хонадон эгаси Любовь Дудкина. Сўнгра бизга ўз «ихтиро»сини кўрсатди. Ертўладан ташқаридаги ариққа чиқарилган шлангда жилдираб сув оқаяпти. Мурожаатлари оқибатсиз қолавергач, 70 ёшлардаги кампирнинг ноиложликдан яратган «кашфиёт»и эди бу.

Масаланинг ечимини излаб, Юнусобод туман ҳокимиятига бордик. Тумандаги раҳбарлар буни фақат шаҳар ҳал қилишини, шахсан собиқ туман ҳокими ушбу муаммо бўйича шаҳардаги раҳбарларга бир неча марта мурожаат қилганини, лекин негадир ўзгариш бўлмай қолганини айтишди.

Шаҳар ҳокими бундан олти йил илгари бу муаммони ҳал этиш учун дренаж ўтказиш бўйича берган кўрсатмаси ҳамон бажарилмай қолмоқда... Сабаби бизга қоронғи. Эҳтимол маблағ, эҳтимол дренажнинг ўзи муаммодир. Лекин нима бўлганда ҳам одамларни бундай аҳволда қолдириб бўлмайди.



Суратларда: 1. Яқинда таъмирланган уйнинг ички кўриниши. 2. Ертўладаги сув.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

2. БИР ЁЛҒОН ҲИСОБОТ ОҚИБАТИ

Иккинчи шикоят хати шундай бошланади:

«Биз яшайдиган кўп қаватли уйнинг қурилганига 17 йил бўлди. Лекин бир неча йиллардан бери ертўлада сув бор. Шу сабабли бизнинг уй чивину пашшанинг уяси, 9-қаватдагилар ҳам чивиндан «дод» дейди. Бунинг устига ахлат ўз вақтида олиб кетилмайди. Натижада, каламушлар ҳам кўпайиб бораяпти... ЖЭК ва туман ҳокимиятига ҳамда шаҳар коммунал бошқармасига бир неча бор шикоят билан мурожаат қилганмиз. Аммо муаммо ҳал этилмаяпти. Аксинча, Шайхонтоҳур туман коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Сайрам Анорбоев Тошкент шаҳар ҳокимияти ва шаҳар худудий коммунал фойдаланиш бирлашмасига ўтган йилнинг октябрь ойида ҳамма ишлар қилинди, деб ёлғон ахборот бериб юборди. Бу билан у киши кимни лақиллатмоқчи? Бизга хўжакўрсин учун қилинмаган ёлғон гаплар эмас, эътибор, ғамхўрлик керак».

Шикоят йўлланган манзилни топдик. Пойтахтнинг қоқ бели. Бақирсангиз, овозингизни Чорсудагилар эшитади. 300 метр юрсангиз «Халқлар дўстлиги».

Марказда бундай ҳолат бўлиши мумкин эмасов, деган фикр хаёлимиздан ўтди. 9 қаватли уй ёнига борганда эса... Ғужғон ўйнаган ҳашаротлардан тўғриси, одам сесканиб кетади. Ертўланинг остонасидан мўралай олдик, холос. Ичкари сув, қадам босиб бўлмасди. Қувур тешикларидан ертўлага шариллаб сув тушаяпти. Эссиз сув, бир кунда қанча исроф бўлаяпди экан, бир ойда-чи?

— Менинг уйим 2-қаватда. Лекин ертўладаги балчиқ ҳиди бизнинг хонадонгача боради, — дейди 31-хонадонда яшовчи Фотиҳа ая Икромова. — Подъезддаги ахлатхонани каламуш босиб кетган. Ҳатто юқори қаватларга ҳам чиқиб кетаяпти. Бу нима деган нарса ахир?

Мундоқ ўйлаб қаралса, оддий муаммо — қувурлар чириб, кўп қаватли уй ертўласига сув оқиб ётибди. Нам, ботқоқ ҳидидан пашша, чивин кўпайиб кетган. Бунинг устига ахлатхона вақтида тозаланмас экан. Аслида, бу бажарилиши қийин нарса эмас: қувурлар алмаштирилса, ахлатлар ўз вақтида олиб кетилса, тамом вассалом. Лекин шу ишларга ким масъул? Агар ҳозирги раҳбарлар ўз ишини удда қилолмаётган бўлса, чорасини кўриш керакдир. Бир-икки ноқобил раҳбар касрига одамлар нега жабр тортиши керак.

— Мана, боламнинг юзини кўринг, — деб 3-хонадондаги Рафиқа Дадабоева 5 ёшлардаги боласини кўрсатди. Болакайнинг юзлари чивин чақаверганидан шишиб кетибди. «Ҳар куни, ҳамма хонадонларда аҳвол шу», дейди она қуюниб.

Энг ачинарли аҳволни кейин кўрсатишди. «Манави қувурдан чиқаётган сув биз турган уйнинг канализациясидан келаяпти. Канализацияга сув ҳожатхона ва ваннадан тушади»,— дейишди. Худди шу ерда автобус бекати бор. Гавжум жой. Оқаётган сувдан бекатдагилар фойдаланиши мумкин. «Дом» ертўласида сув тобора юқори кўтарилавергач мутассаддилар ертўлага қувур ўтказиб, ифлос сувни катта кўчага оқизиб қўйишибди. Қувурнинг устига тунука ёки ленолиум ёпишаркан...

Чорсу мавзесидаги 4-уйда яшовчилар озода ва хотиржам яшашларига халақит бераётган яна кўп муаммоларини айтишди. Энг ачинарлиси, энг ҳайрон қоладиган жойи шундаки, бу ҳолатлар пойтахтнинг марказида содир бўлмоқда. Масъул идоралар нега бу ҳолга тоқат қилиб келишяпти? Уларнинг дид-фаросатлари наҳотки шунчалик ночор бўлса?

Энди масаланинг яна бир ташвишли томони бор. Ёз келди. Ҳаво қизигандан қизиб бормоқда. Агар зудлик билан чора кўрилмаса, оқибати оғир бўлиши мумкин.

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ТОШКЕНТ – ТОКИО ҲАВО КЎПРИГИ ОЧИЛАДИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Япония авиация маъмурияти делегацияси билан икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш бўйича музокаралар ўтказди. Кунчиқар мамлакат авиация маъмурлари рухсати билан ўзбек учувчиларининг Токиога — «Нарита» аэропортига парвоз этиши кутилмоқда.

Маълумки, Миллий авиакомпания ҳозир ҳафтада икки марта Осака шаҳрига қатновларни бажармоқда. Рухсат олингач, Тошкент — Токио ҳаво кўприги ўрнатилади. Дарвоқе, МДҲдаги барча авиакомпаниялар орасидан фақат «Аэрофлот» ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Кунчиқар юртга мунтазам қатновларни амалга оширмоқда. Япония авиация маъмурларининг ҳукуматлараро битим имзоланишига қадар мамлакатнинг яна бир аэропортига парвоз этиш учун рухсат бериши ўзбек миллий авиакомпаниясининг халқаро авиабозордаги катта ютуғидир.

Япония фуқаро авиацияси бюроси бош директорининг ўринбосари жаноб Косуке Шибата ўн йил давомида рақобатбардош ва нуфузли авиакомпанияга айланган, ҳамкорлар ва мижозлар ишончига сазовор бўлган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» фаолиятига юксак баҳо берди. «Айтиш керакки, — деди у, — Японияннинг ҳамма аэропортлари ҳам ўзбек аэропортларидагидек асбоб-ускуналар билан жиҳозланган эмас. Тошкентга «Ўзбекистон ҳаво йўллари»да учиб келдим. Парвоз менга жуда ёқиб қолди».

■ **Алишер РЎЗИЕВ**

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПЛЕНУМЛАР, МАЖЛИСЛАР, ЙИҒИЛИШЛАР

ЎзХДП **Қашқадарё вилоят кенгашининг** навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда партиядан сайланган депутатлар, партия фаоллари, вилоят жамоат ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Пленумда мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси саккизинчи сессиясидаги маърузасидан ва Ўзбекистон ХДП МК IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида»ги масала муҳокама этилди. Кун тартибидаги масалалар бўйича вилоят партия кенгашининг котиби Р.Раджабов маъруза қилди.

Шундай кун тартибидаги пленумлар **ХДП Қарши шаҳар ва Данғара туман кенгашларида** ҳам бўлиб ўтди. Пленум иштирокчилари мазкур кенгашларнинг котиблари — К.Каромова ва З.Ҳамралиевларнинг маърузаларини муҳокама этиб, тегишли қарорлар қабул қилдилар. Шу билан бирга, Данғара туман кенгашининг пленумида ХДП МК Экологик дастури атрофлича муҳокама этилиб, бошланғич партия ташкилотларининг амалий вазифалари аниқланди.

ХДП Қарши шаҳар кенгаши пленумида Қарши шаҳар ҳокими, Олий Мажлис депутати И.Асадов, Қашқадарё вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари М.Ражабов, **Данғара туман партия кенгаши** пленумида халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгаши депутати М.Хўжаев қатнашдилар ва сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон **ХДП Олмалиқ шаҳар кенгашининг** пленумида партия ташкилотларининг ортда қолган йилдаги фаолиятига таҳлилий назар ташланди, фаоллар эътибори кўпроқ йўл қўйилган камчилик ҳамда қилинмаган ишларга, партиянинг кейинги ривожланиши масалаларига қаратилди. Пленумда **ХДП Олмалиқ шаҳар кенгашининг** биринчи котиби Н.Қодиров маъруза қилди.

ХДП **Гулистон туман кенгашининг** ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Унда М.Бўронова Гулистон туман партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Тошкент вилоят партия кенгаши, Ангрен шаҳар кенгаши негизида вилоятдаги шаҳар ва туман партия ташкилотлари шўъба мудирлари ва ҳисобчилари билан ички партиявий масалалар юзасидан семинар-кенгаш ўтказди.

Андижон шаҳар партия кенгаши ҳудудий (бошланғич) партия ташкилотлари котибларининг йиғилишини «Маданият», «Иттифоқ», «Деҳқонобод», «Фаробий», «Чўлпоннинг 100 йиллиги», «Озодлик», «Бирлик» ва «Меҳнат» маҳалла фуқаролар йиғинларининг оқсоқоллар кенгашлари аъзолари иштирокида ўтказди. Унда ҳамкорликда амалга оширилаётган сиёсий-оммавий, маданий-маърифий ишлар таҳлил қилинди ва янги режалар тасдиқланди.

МУЛОҲАЗА

БОЛАЛИКНИНГ ҲАЙРАТ КЎЗЛАРИ

БУГУНГИ ДАВР БОЛАЛАРИГА МИЛЛИЙ МУЛТФИЛЬМЛАР ЗАРУР

Бугун ўзгариб бораётган оламимизда телевидение инсонлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолди. Томошабин хоҳлаган пайтида, истаган телеканали орқали фильм ёки спектаклни томоша қилиш имкониятига эга. Боз устига, бугунги телевидение ахборот тарқатишнинг энг тезкор воситаси бўлиб, унинг имкониятлари ва истиқболлари кенгайди.

Баркамол авлодни тарбиялаш, болаларимиз қалбида ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, уларни мард ва жасоратли қилиб тарбиялашда телевидение билан бир қаторда кинофильмлар аҳамияти катта.

Президентимиз бу ҳақда шундай деган: **«Санъатнинг бошқа турларини камситмаган ҳолда, бугунги кунда телевидение ва кино санъатининг таъсир кучи бениҳоя юксалиб бораётганини қайд этиш лозим. Шунинг учун менинг назаримда кичкинтой болаларимиз учун миллий руҳдаги кўплаб мультфильмлар, бадиий ва видеофильмлар яратиш зарур. Токи, фарзандларимиз фақат Уолт Дисней қаҳрамонларинигина билиб, таниб қолмасдан, ўзбек халқ эртакларини, миллий қаҳрамонларимизни ҳам танисин-билсин, улар билан ифтихор қилишга одатлансин».**

Мустақиллик йилларида ўзбек анемациясида яратилган асарларни тарихий, ватанпарварлик, фалсафий, халқ эртаклари асосида ва кичкинтойлар учун жониворлар ҳақида яратилган мульфильмларга ажратиш мумкин.

Олам-олам орзулар оғушида яшаётган ва дунёқараши олдинги болалардан ажралиб турган бугунги давр болалари ҳам мультфильмларни севиб томоша қилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, мультфильмлар орқали миллий ғоя тарғиб қилинса, болаларнинг мурғак юрагига ва онгига содда ва аниқ етиб боради. Шундагина болаларда мафкуравий иммунитет пайдо бўлади ва ёт ғояларга ошно бўлмайди. Ўйлаб қарасангиз, ҳаммамиз ҳам болаликда эшитган, ўқиган эртакларимиз, томоша қилган мультфильмларимиз таъсири билан келажакдан умид қилиб яшаганмиз. Бирор бир сеҳргар келиб бизни шаҳзода ёки шоҳ қилади, шу орқали бахтли ҳаётга эришамиз деб ишонганмиз. Аслида эса меҳнат ва изланиш, шу азиз замин равнақи йўлида фидойилик, дўстлик ва бирдамлик, ижодкорлик, меҳр-оқибатнинг кучи ҳар қандай сеҳргар кучидан устунлигини англаб етдик. Яратилаётган мультфильмлар орқали болаларни янгича фикрлашга ўргатишимиз лозим деб ўйлайман. Мамлакатимиз мультипликация студияларида ҳам турли жанрларда жозибадор, қизиқарли сюжетга эга, энг асосийси болаларда эстетик дид, мафкуравий иммунитет шакллантирувчи асарлар яратиш имкониятлари катта деб ўйлайман.

Тўғри, мустақиллик йилларида бир қатор мультфильмлар яратилди. Аммо, назаримда соф миллий ва аниқ мақсадга йўналтирилган мультфильмлар жуда кам.

Мана, икки йилдан буён «Ёшлар» телеканали орқали қадимий ҳинд эпоси асосида яратилган «Рамаяна» кўп серияли бадиий фильми намойиш этилмоқда. Ўша дақиқаларда болаларимизни бутун вужуди қулоққа, кўзга айланиб бу ғаройиб фильмни томоша қилдилар. Ота-онага ҳурмат, акаукалар ўртасидаги садоқат, меҳр-оқибат тушунчаларига йўғрилган бу фильм барча фарзандларимизда катта таассурот қолдирди.

Аммо, бизда бундай фильмлар қачон яратилади, деган ўй кўпчиликни қийнайди. Тўмарис ва Широқнинг жасорати, Алпомиш ва Барчиной муҳаббати, ватанга садоқати қачон экранларимизга кўчиб ўтади. Ўзбекнинг халқ достонлари, халқ эртаклари замиридаги миллий қадриятлар бугун улғаяётган фарзандларимиз тарбияси учун зарур эмасми?

Эртаклар болаларимиз ҳайрат оламига сўз ёрдамида таъсир қилса, фильмлар бевосита жонли таъсир ўтказади. Мультфильмларда тасвирланган воқеа, қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, қувончи, изтироби, курашлари фарзандларимиз фикрий оламини бойитади. Уларда ўша қаҳрамонга интилиш, унга тақлид қилиш ҳолатлари бошланади. Демак, ўз-ўзидан бу фильмлар миллий руҳда яратилган бўлса, аждодларимиз ҳақида ҳикоя қилса, ватанга муҳаббат, табиатга ҳурмат унга сингдирилса, унинг томошабинлари бўлган фарзандларимиз дунёқарашида мана шу тамойиллар шаклланади.

Ойнаи жаҳоннинг таъсир кучи, аудиторияси жуда улкан. Унинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, фарзандларимиз 6-7 ёшдан китоб билан ошно бўлсалар, 2 ёшларидан телевизор ёнида ўтирадилар. Ундаги мультфильмларни қизиқиш билан томоша қиладилар. Бундай фильм ва кўрсатувлар болалар онги ва шуурини юксалтиришга қаратилмоғи зарур.

■ **Қаҳрамон СОБУРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.**

МУАММО

ЭГАСИГА ЕТГУНЧА...

КУНДАЛИК МАТБУОТ НАШРЛАРИ НЕЧА КУН ЙЎЛ БОСАДИ?

Бу саволга ҳар жойда ҳар хил, деб жавоб бериш мумкин. Масалан, Амударё, Беруний, Элликқалъа, Тўрткўл туманларидаги обуначиларга етиб бориш учун кундалик матбуот нашрлари поездда «йўл босади». Нукус — Тўрткўл поездига ортилган шу кунги почта Амударё туманига соат 18.20 да, энг сўнгги манзил — Тўрткўл станциясига 21.30 да етиб келади. Бу туманларда газеталар эгаларига эртаси кун тарқатила бошланади.

Нукус шаҳрида почта алмашуви бўлмайдиган чоршанба ва якшанба кунлари обуначилар қўшимча яна бир кун кутишларига тўғри келади. Чоршанба кунги почта пайшанба куни туманларга жўнатилади.

— Баъзан жума кунлари ҳам почта келмайди, — дейди «Қорақалпоқпочта» ҳиссадорлик жамияти Элликқалъа филиали бошлиғи Қамариддин Мамбетов. — Шанба куни кечқурун қабул қилинган почтани шаҳар ичига якшанба куни, қишлоқ жойларга душанба куни тарқатамиз.

Уч кунда етиб борган газетанинг обуначи учун қанчалик қиммати бор? Янгиликларни тезкор етказишга ҳаракат қиладиган газетачилар меҳнатининг неча фоизи почта хизматидаги ана шундай кечикиш оқибатида ҳавога учади?

— Обунчилар сонининг камайишида ана шундай кечикишларнинг ҳам таъсири бор, — дейди ҳиссадорлик жамиятнинг Тўрткўл филиали бошлиғи вазифасини бажарувчи Султон Абдуразоқов.

Уларга шикоят билан мурожаат қилишганда матбуот нашрларининг ўз вақтида етказиб берилмаётганининг сабабини тушунтириб бериш билангина чекланишади. Бу ҳолатни бартараф этиш ҳақида ҳозирча ваъда бера олмайдилар.

«Қорақалпоқпочта» ҳиссадорлик жамияти почта хизмати бўлими бошлиғи Тамара Нуришева ҳам биз билан суҳбатда ҳеч қандай ваъда бера олмади.

— Бу масалада юқори ташкилотимизга бир неча бор мурожаат қилдик. Тошкент — Нукус самолётининг тонгги рейси бўлсагина кундалик газеталар шу куни туманларга етиб боради. Биз уларни эрталабки автобусларда жўнатиш имкониятига эга бўламиз...

Масалани ҳал қилишнинг йўли — фақат пойтахтдан тонгда учадиган самолётми? Ёки «Ўзбекистон почтаси» ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари бошқа ички имкониятларни излаб топадиларми? Муаммонинг ечимини эса кундалик нашрларни кечикиб олаётган Қорақалпоғистоннинг жанубий, шунингдек, Тахтакўпир, Бўзатов, Мўйноқ туманларидаги минглаб обуначилар интиқлик билан кутишяпти.

■ **Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Навоий вилояти улкан иқтисодий салоҳиятга эга экани ҳаммамизга маълум. Бу ерда фаолият кўрсатаётган Навоий кон-металлургия комбинати, Навоий ГРЭСи, «Зарафшон-Ньюмонт» ўзбек-америка қўшма корхонаси, «Навоийазот» ва «Қизилқумцемент» бирлашмалари, «Электрохимзавод» қўшма корхонаси каби йирик ишлаб чиқариш қувватлари нафақат вилоят, балки бутун мамлакатимиз саноатининг фахри саналади.

Ислом КАРИМОВ

«ОЛТИН

Буюк бобомиз номи билан аталгувчи Навоий шаҳридан тахминан ўн беш-йигирма чақирим йўл босиб, ажиб манзарага дуч келдик. Боғ-роғларга бурканган маскан.

Одатда цемент заводининг ичкариси у ёқда турсин, ёнатрофлари ҳам чанг-тўзонга бурканган бўларди.

Корхона яшил либосда. Мевали дарахтларда ҳосил нишоналари шиғил. Манзарали ниҳоллар кўзни яшнатади. Ҳар қадамда фаввора.

— Кейинги йилларда акциядорлик жамиятимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билан бирга атроф-муҳит мусаффолигига ҳам катта аҳамият бериляпти, — дейди корхонанинг етакчи мутахассиси Олимжон Ражабов. — Бу ўринда қуйдириш печларидаги тутун ва дуд чиқиш мосламаларига чет эл андозаси даражасидаги фильтрлаш воситалари ўрнатилганлиги, цемент 50 килограммлик полиэтилен қопларда қадоқланиб чиқарилаётгани диққатга сазовор. Россия Федерациясининг Ярославль вилояти Семибратово шаҳридаги корхонадан шартнома асосида келтириб ўрнатилган фильтрлаш қурилмалари фойда бермоқда. Натижада, ҳар бир тегирмонда чанг чиқиш даражаси соатига 120 килограммга камайди. Айланма печлардан чиқадиган чангдан ҳавони тозалаш учун юқори (40 атмосфера) босимли сув насослари ўрнатилди. Чангютгичлар янги электрфильтрлар билан жиҳозланди, айримлари таъмирланди. Оқибатда печдан чанг чиқиш миқдори соатига 600 килограммдан 140-150 килограммга тушди.

Чорак аср муқаддам Қарнаб тоғликлари, Ўртачўл кенгликлари ва Маликчўл сарҳадлари орасида бунёд этилган корхона учун маҳаллий хомашё шундоққина ён-атрофдан олинади. Харсангтош, оҳактош ва сланец конлари бу томонларда сероб. 7-8 километр олисликдаги конлардан олинган маъданлар «Тоғ-кон» ишлаб чиқариш бўлинмасида қайта ишланиб, 5,5 километрли ҳаракатланувчи тасмали ленталар орқали корхона омборига узатилади. Маъданлар 8 та тегирмонда қайта майдаланиб, клинкер ҳолига келтирилади. Ярим тайёр маҳсулот ўз навбатида учта махсус қуйдириш печларига келиб тушади.



Табиий газ ёрдамида хомашёни 1800 даражали ҳароратда қуйдира оладиган учта айланма печнинг ҳар бирининг қуввати бир-кеча кундузда 3 минг тоннага етади. Уларнинг иккитаси узлуксиз ишлайди, биттаси заҳирада сақланади. Айни кунларда икки печнинг узлуксиз ишлаши туфайли корхонада бир кеча-кундузда 7-7,5 минг тоннадан ошириб сифатли цемент тайёрланяпти.

Корхона ҳаётида иқтисодий таназзул юз берган пайтлар ҳам бўлди. Одатда бундай пайтларда уч-тўрт ойлаб маош ололмаган малакали кадрлар корхонани тарк этиши мумкин. Қолаверса, тўқсонинчи йилларнинг ўрталарига келиб барча печлар, асбоб-ускуналар таъмирлашга муҳтож бўлиб қолди. Маблағ етишмади. Устига-устак корхона қарздорлик ботқоғига ботди. Уни оёққа турғазиш учун тадбиркор ва иқтидорли раҳбар зарур эди. Жамоага «Қувасойцемент» корхонасида кўзи пишган муҳандис, цементсозликда яхшигина тажриба ва малакага эга Ражап Жуманиёзов раҳбар бўлиб келди.

Ёш раҳбар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга киришди. Аввало, малакали ишчиларни асраб қолишга интилди. Хориждлик ҳамкасблари билан алоқа боғлади. Айниқса, Словакиядаги ўтга чидамли ғишт ишлаб чиқарувчи завод билан ҳамкорлик муваффақият келтирди. Ўтга чидамли, камёб қора ғиштлар печларнинг бетўхтов ишлаш муддатини уч ойдан олти ойга узайтирди. Германиянинг «Хаверс», «Мюллер» фирмаларидан келтирилган технологиялар эса цементни қадоқлашда қўл келди. Корхона имкониятлари кенгая борди. Натижада ички ва ташқи бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан «ишғол» этиш бошланди.